

и находила сходства с ее родным отцом. Например, когда после очередного «ее похода на наркотические поля Катя вернулась домой и увидела, что ее ограбила женщина, на попечение которой была оставлена Верка, злилась на свою дочку, сквозь зубы прошептала: «Семипалово отродье, гиря на руках...»[3]. Да, кроме этого, мать всегда была против любимого дела своей дочери, Вера рисовала и в этом Катя видела, что все-таки гены берут свое, не только мать была талантлива, но и отец был начитанным человеком, интересовался философией, а Вера же изображала этот мир своим собственным взглядом. Матери хотелось, чтобы ее дочь была такой же, как и все обычные советские люди.

Женщины пережили много трудностей в своей жизни, если Катя Щеглова увидела сначала все ужасы ленинградской блокады, а затем эвакуацию, осталась одна сиротой, так как умер и брат Саша, затем ее воспитала улица, выучилась только на швею, работала на какой-то фабрике, умудрялась находить какой-то левый заработок, а затем вовсе стала торговать, командовала шайкой спекулянтов, всегда стремилась улучшить свое материальное положение, а каким путем его зарабатывать, то есть, законным или нет, не имело никакого значения.

Образ Веры Щегловой - образ собирательный, образ женщины, погруженной в искусство, в себя, взращенной плотным горячим воздухом Ташкента. Образ девчонки, выросшей в ташкентском дворе и ставшей ярким творческим человеком, человеком с большой буквы. Вера была предоставлена сама себе, еще с детства она во время «походов матери» оставалась одна, можно сказать, она была воспитана всем двором, соседями. И только талант девочки, ее любовь к искусству, помощь соседей, друзей, и главное, отчима, которого она сама выбрала, смогли помочь ей найти свое место в жизни.

Таким образом, героини по своему характеру разные, но обе талантливые, у обеих женщин свои жизненные пути, но цель у женщин одинаковая. Обе женщины хотят найти свое место в жизни, но идут они разными путями, и каждый считает свой путь правильным. Автор пишет «о солнечной стороне улицы», для Кати «солнечная сторона улицы, может быть ее воспоминания о детстве, а для Веры, которая родилась и выросла в тени, солнечной стороной является встреча с людьми, которые делают ее жизнь светлой и счастливой.

Литература

1. Радиостанция «Культура», программа «Действующие лица». // Сайт Дины Рубиной: интервью. [Электронный ресурс]: [Режим доступа]: <http://www.dinarubina.com/interview/index.html>
2. Пирвердян А.Г. «Исчезнувший Ташкент в романе Дины Рубиной «На солнечной стороне улицы». // Наука в мегаполисе, 2020 год, выпуск: № 6(22) – С. 277.
3. Рубина Д. На солнечной стороне улицы: роман. – М.: «Эксмо», 2011. – С.381.
4. Гомберг Л. В бездонных водах времени: рецензия. // «Знамя». 2007. № 3. – С. 208- 211.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада таниқли ёзувчи Д.Рубинанинг "Кўчаннинг қуёшли томонида" романидаги аёл образлари муҳокама қилинади. Она ва қиз образлари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқлар қиёсланади, уларнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилади, аёллар ўртасидаги қелишмовчилик сабаби ойдинлашади.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются женские образы в романе известной писательницы Д.Рубиной «На солнечной стороне улицы». Сравниваются сходства и различия между образами матери и дочери, выявляются их характерные особенности, выясняется причина разлада между женщинами.

SUMMARY

This article discusses female images in the novel by the famous writer D. Rubina "On the Sunny Side of the Street". The similarities and differences between the images of mother and daughter are compared, their characteristic features are revealed, the reason for the discord between women is clarified.

ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА ШЕЪРИЯТИДА ҚЎЛЛАНГАН ЛАФЗИЙ САНЪАТЛАРДА ЛЕКСИК БИРЛИКЛАРНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК ВАЗИФАЛАРИ

Г.Ҳ.Эшнӣзова – докторант

Навоий давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: шеър, ижодиёт, лингвопоэтика, бадиий тасвир, фонетик воситалар, метафора, лафзий санъатлар, лексик бирликлар.

Ключевые слова: поэзия, творчество, лингвопоэтика, художественный образ, фонетические средства, метафора, словесные искусства, лексические единицы.

Key words: poet, creativity, lingvopoetics, artistic image, phonetic means, metaphor, verbal arts, lexical units.

Биламизки, замонавий ўзбек адабиёти, яъни, шеърятимизда юз бераётган шаклий-мазмуний ўзгаришлар, лисоний-услубий жиҳатлар унинг бадиияти, эмоционал-экспрессивлиги, эстетик таъсир кучини таъминловчи омиллар ва воситаларни аниқлашда янгича ёндашувлар пешқадам бўлиб бормоқда. Умуман олганда, шеърятда қўлланилган бадиий санъат турлари ҳақида гапириб ўтадиган бўлсам, яъни “Санъат” “сун” яъни “яратмоқ” сўзидан олинган бўлиб, бадиийлик яратиб ҳисобланади ва бадиий санъатлар лирик ва эпик тимсолларнинг ёркинроқ гавдаланишига, мисралар, байт ва бандларнинг лафзий назокати, мусикийлиги, жозибдорлигини таъминловчи воситалар ҳисобланади. Бадиий санъатлар икки турга бўлинади: Маънавий (маънога тегишли) санъатлар ва Лафзий (шаклга оид) санъатлардир” [1:23]

Хусусан, шеърый санъатлар ҳақида ҳам бир қанча рисоалар яратилган. “Шеърый санъатларни таснифлаш ҳақида А.Ҳусайнийнинг “Бадойиъ-ус сонйиъ” асарида шундай дейилади: “Нутқ гузалликлари уч қисм била

чекланур ул жиҳатдинким, ҳар гузаллик ё фақат лафз гўзаллигидур, ё фақат маъно гўзаллигидур ёхуд лафзу маъно йиғиндисининг гўзаллигидур.” [11:25] Т.Бобоевнинг “Шеър илми таълими” рисоласида ҳам шеърый санъатлар лафзий, маънавий ва лафзую маънавий (ёки маънавий-лафзий) санъатларга бўлинган. Профессор А.Ҳожиҳмедовнинг “Шеърый санъатлар ва мумтоз кофия” рисоласида “Адабиётшунослигимизда шеърый санъатларни маънавий ва лафзий санъатларга ажратиш анъана бўлиб келган” (3-86) дейилади ва шунга мувофиқ таснифланган. Шу билан бирга кофия билан боғлиқ санъатлар ҳам алоҳида гуруҳланган. “Шайх Аҳмад Худойдод Тарозийнинг “Фунун ул-балого” асарида эса шеърый санъатлар ҳеч қандай гуруҳларга ажратилмасдан, таснифсиз берилган” [11:25] Бундан ташқари мазкур рисоаларда шеърый санъатларни маънавий ва лафзийга ажратишда, яъни маълум бир шеърый санъатни у ёки бу туркумга мансуб этишда ҳам хилма-хилликлар борлигини кўриш мумкин. Ийҳом, жамъ, тафриқ, тақсим, тақрир ва бошқа шеърый санъатларини Ҳалима Худойбердиева

асарларида ҳам кўриш мумкин. Масалан: “Оқ олмалар” китобидан (1973 йил) олинган “Шунчаки...” шеърида

Шунчаки кулмок истехзодек гап,
Бирдан **қах-қах урай**, чўчиб кетсинлар.
Бошларига осмон тушгандай кулаб,
Ғафлат бандалари ёқа тутсинлар.

Шунчаки йиғлаш ҳам ярашмас бизга,
Уни эплар фақат **юраги тошлар**.

Шундай йиғлай, ҳожат қолмасдан сўзга,

Қўрғоқ кўзлардан ҳам қуйилсин ёшлар [1:21].

Шоиранинг бу тўртликларида гуё ҳаёт муттасил курашдан иборатдек. Бу мисралар билан бошланган мумтоз, шиддаткор шеър ҳар бир инсонга шоиранинг ижодий, ахлокий, инсоний жиҳатлари бўлиб кўринади. Бу шеър ҳақида тўлиғича тасвирланганда туйғуларнинг туғени, ҳамда жасоратнинг бир кўриниши сифатида гавдалантирилган.

Мен сизларни шу шеърнинг охирига байтларига эътибор қилишингизни истар эдим:

Шунчаки ёзмокқа кўнгил тўлмайди,

Шунчаки ёзмокқа бормайди қўлим.

Шунчаки ёзмокқа чидаб бўлмайди,

Шунчаки ёзмок, бу-шоирга ўлим [1:6]

Ҳалима Худойбердиева шеърларида бадиий санъатлардан, яъни лафзий санъатларни мохирона қўллаган. Шоиранинг шеърларини лингвопоэтик таҳлил жараёнида фонетик воситаларнинг ҳамда лексик бирликларнинг бадиий-эстетик хусусиятларига алоҳида эътибор бериш керак. Биз, аввало лексик бирликлар деганда нималарни тушунишимиз керак? Бу хусусда бир қанча профессор-ўқитувчилар, олимлар ўзларининг тадқиқот ишларини олиб борган. Жумладан, Ҳ.Жамолхоновнинг “Хозирги ўзбек адабий тили” дарслиги ҳамда М.Эрназарованинг “Субстансиал-прагматик терминларнинг қисқача изоҳли луғати” орқали келтирилган маълумотлар ва мисоллар билан **лексик бирлик** терминининг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилдик. “Сўз тилининг энг муҳим номинатив бирлигидир, чунки у борлиқдаги нарсалар-буюмларни, предмет сифатида тасаввур қилинадиган мавҳум тушунчаларни, ҳаракат-ҳолатни ранг-тус, маза-таъм, ҳажм-миқдор, ҳислат каби белги хусусиятларни номлайди: дарахт (предмет номи), онг (мавҳум тушунча номи), ишламок (ҳаракат номи), оқ (ранг-тус номи), ширин (маъза-таъм номи), катта (ҳажм номи), беш (миқдор номи) кабилар. Тилнинг луғат бойлигидаги бундай сўзлар лексик бирликлар саналади.”[6.140] Ҳамда “Субстансиал-прагматик терминларнинг қисқача изоҳли луғати”да эса “**Лексема-борлиқ ҳодисаларини номлаш, ифодалаш, кўрсатиш учун хизмат қилувчи луғавий маънога эга лисоний бирлик**” [9:22] каби терминлар мазмун-моҳияти изоҳланган. Шоиранинг юқоридаги шеърида қўлланилган лафзий санъатларга тил ҳодисаси нуқтаи-назаридан қаралганда, лексик бирликларни таҳлилга тортиш мумкин. Масалан: (**бошларига осмон тушгандай кулаб**) бу турғун бирикма бўлиб, иш ҳаракат номи, (**ғафлат бандалари ёқа тутсинлар**) бу эса ранг-тус номи, (**Уни эплар фақат юраги тошлар**) ушбу мисра ҳам турғун бирикма бўлиб, предмет номи, (**Қўрғоқ кўзлардан ҳам қуйилсин ёшлар**) ўхшатиш ҳамда ранг-тус номи каби тилимизнинг луғат бойлигидаги лексик бирликлардан мохирона фойдаланган. Шоиранинг юқоридаги шеърининг охирига байтида эса такрор сўзлар ва шакли бир хил ва маъноси ҳар хил сўзларни ижодкорона қўллаган.

Шеърини нутқда бадиий мазмуннинг оригинал бўлишига эришиш учун ижодкор янгича усуллари топишга интилади ва айна шу ижодий-руҳий эҳтиёж туфайли турлича ифода усуллари яратилади ҳамда шеърининг ифода имкониятлари ривожланиб боради.

“Усулни танлаш масаласини ҳар бир ижодкор адресатга айтмоқчи бўлган гапи, янгича фикр-ўйи, ўз олдида қўйган ғоявий-бадиий мақсадидан келиб чиқиб мустақил ҳал қилади.”[10:55] Адабиёт назариясига доир махсус яратилган асарларнинг диарли барчаси, асосан, поэтика масалаларига бағишланган.

Одатда, бадиий адабиётда, кўпроқ лирик асарларда товушлар, ургу ва оҳанг ҳиссий таъсирчанликни оширишда муҳим услубий восита ҳисобланади. “Лекин баъзан насрий асарларда ҳам фонетик воситалар услубий бўёқдорликни юзага чиқариши мумкин. Шеърятдаги маълумки, товушларни эстетик қўллаш натижасида шеърятда аллитерация, ассонанс, геминация каби фонетик усуллардан фойдаланилади”[6:85]. Бу ҳолатларни Ҳалима Худойбердиева шеърларида ҳам учратишимиз мумкин.

Бу дунёда менинг каби ғамдан барпо **йўқ**,

Тоғдай ғамин тил учига чиқармас тоғ **йўқ**.

Ҳеч ким мендек ўз **кўз ёшин селида оқмас**,

Ерда мендек гуррос солиб йиғлар дарё **ўқ**.

Бу умр-ўтар кўчадир. Ғофил ётма, туриб **ўт**,

Ётганлар бор, ҳолин сўра, кулбасига кириб **ўт**.

Бу кўча-байрам кўчадир, **дўст-душман** орасидан

Зийнатланиб, зеболаниб қушдай енгил юриб **ўт**. [1:9]

Ҳалима Худойбердиеванинг “Сайланмаси” дан олинган ушбу тўртликларда мутолаа чоғида шунга амин бўлдимки, шоира ҳар қандай шароитда ҳам шеър ижод қила олиш салоҳияти шоирада бор. “Шоира ижодидаги янги оҳанглар тўлқини бу, шубҳасиз, мустақиллигимиз билан чамбарчас боғлиқ. Асосан, шоиранинг шеърларида озолиқ, эрк каби муқаддас тушунчалар, уларнинг миллат ва халқ тақдиридаги бемислу монанд аҳамияти ниҳоятда таъсирли тарзда ўз ифодасини топмоқда [1:9].

Арастуниг “Поэтика” (Нафис санъатлар ҳақида) китобида ҳозирги замон тушунчасидаги шеърят эмас, балки умуминсоний нафосат, санъат қонун-қоидалари баён қилинади.”[7.7] Алломанинг бу асари Шарқ халқлари эстетик тафаккури ривожига ҳам таъсир кўрсатган. Ҳақиқатан ҳам шунчаки ёзмок-фақат шоирнинг эмас, адибнинг ҳам, олимнинг ҳам ўлимидир [1:6] Шоиранинг бу шеърида эса, бадиий санъатнинг жонлантириш, анафора (такрор), тажнис ва истиора каби лафзий санъат турларидан шоира мохирона фойдаланганини кўриш мумкин. Тилшунослик нуқтаи-назаридан қараганимизда фраземалар, такрор сўзлар ва метафоралар ҳамда омоним (шакли бир хил ва маъноси ҳар хил) сўзлар ифодаланган. Истиора-бу асарларда сўзни ўз маъносидан бошқа бир маънода, яъни маъжозий маънода қўллашда ҳамда бу санъат сўз маънолари кўчишининг бир тури бўлиб, у нарсалар ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланади [2:20]. Тил ҳодисаларидан бири бўлган метафора эса, нутқимизда энг кенг тарқалган маъно кўчиш усули ҳисобланади.

Тилда зид маъноли сўзларнинг мавжудлиги бадиий нутқнинг ифодалилиги, экспрессивлиги, таъсирчанлигини таъминлашда қулай воситалардан бири ҳисобланади [3:88]. Шарқ адабиётида жуда қадим замонлардан буён тилда бу ифода имкониятидан кенг фойдаланиб келинган. Ш.Тошхўжаеванинг мақоласида А.Рустамов бу ҳақида шундай ёзади: “Шоир учун жуда зарур бўлган санъатлардан бири тазоддир. Бу санъат яна “мутобақа”, “тибоқ”, “татбиқ”, “муттазод”, “иттизод” ва “такофу” деб ҳам аталади. Тазод санъатида бадиийшуносларнинг айтишича зид маъноли сўзлардан фойдаланилади. Бу санъат Европа филологик адабиётида “антитеза” деб юритилади. С.Каримов бу усулни шундай таърифлайди: “Бадиий адабиёт тилидаги антитеза усули бир-бирига нисбатан қарама-

қарши маъноларни берадиган сўзларни, ибораларни баёнда ёнма-ён қўллаш орқали образлиликни келтириб чиқаришга асослангандир” [5:21]. Шоира шеърларида ҳам сўзнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турларидан – антонимлар (зид маъноли сўзлар)дан ижодкорона фойдаланган. Масалан:

Аввал ичингда қил ибодатингни,

Аввал ичингда ёй шахд-қанотингни...

Ғам ема. Бир камдир, тўлдириб бўлмас,

Аввал ўз ичингда кир, кириб бўлмас.

Ички бургут кўклаб, ўзни урами,

Ташқарида Сени ўлдириб бўлмас [1:7].

Шоиранинг “Сайланмаси”дан олинган бу шеърида **Ғам ема. Бир камдир, тўлдириб бўлмас**, мисрасида зид маъноли сўзлар ифодаланган. Бу байтда ўзининг кимлигини англаб етмаган, ёруғ оламга нима учун келганини фаҳм этолмаган, шоира айтганидек, ўз ичидаги ибодатхонада ибодат қилолмаган кимсалар ҳар нечук нурдан кўзи камашган, бироқ заррача бўлсин иймон нури билан борлиғи ёришмаган зотлар ҳақида ёзилганлигини кўриш мумкин.

Адабиётлар

1. Худойбердиева Ҳ. “Танланган асарлар”. -Т.: “Шарқ”, 2020, 560-б.
2. Сафо Матжон, Шарофжон Сариев. “Ўзбек адабиёти”. –Тошкент: 2005. 200-б.
3. Тошхўжаева Ш. “Зид маънолик ва ифода имкониятлари”. // “Ўзбек тили ва адабиёт”, 2014 № 3.
4. Каримов С. Ўзбек тилининг бадий услуби. –Самарқанд: 1994. 72-б.
5. Тошхўжаева Шоирахон “Фонетик воситаларнинг бадий-эстетик вазифалари”. // “Ўзбек тили ва адабиёт”. 2014 № 5.
6. Арасту “Поэтика”. –Тошкент: 2004.
7. Жамолхонов Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. -Т.: “Талкин”, 2005, 272-б.
8. Эрназарова М. “Субстанциал-прагматик терминларнинг қисқача изохли луҳати”. - Т.: “Мухаррир нашриёти”. 2017, 40-б.
9. Хакимов М. Ўзбек прагматик вистикаси асослари. Монография. - Тошкент: Академнашр, 2013.
10. Мамажонов З. “Шеърлий санъатларни таснифлаш масаласига доир”// “Ўзбек тили ва адабиёт”, 2005 № 6.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада нозиктаб шоира, гўзал дунёқараш ва ўткир англаш қобилиятига эга бўлган ижодкор Ҳалима Худойбердиева шеърлятида қўлланган лафзий санъатларни лексик таҳлили ва бу бирликларнинг бадий-эстетик вазифаларига кичик тажрибалар ёрдамида илмий асосдаги хулосалар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье представлен лексический анализ риторических искусств, используемых в поэзии Халимы Худойбердиевой, прекрасного поэта, прекрасного мировоззрения и остроумного художника, научные выводы, основанные на небольших экспериментах над художественно-эстетическими функциями этих единиц.

SUMMARY

In this article, a lexical analysis of the verbal arts used in the poetry of the poet Halima Khudoiberdiyeva, a poet is given with a beautiful outlook and sharp comprehension, scientifically based conclusions.

OMON MUXTOR IJODIDA LIRIK VA EPIK TASVIR UYG‘UNLIGI

(“Ko‘zgu oldidagi odam” romani misolida)

A.J.Xo‘jamqulov– *tayanch doktorant*
Samarqand davlat universiteti

Tayanch so‘zlar: lirik tur, epik tur, liro-epik tasvir, roman, sujet, kompozitsiya, epigraf, zamonaviy adabiyot.

Ключевые слова: лирический тип, эпический тип, лиро-эпический образ, роман, сюжет, композиция, эпиграф, современная литература.

Key words: lyrical type, epic type, lyro-epic image, novel, plot, composition, epigraph, modern literature.

Ma’lumki, badiiy adabiyotni tur va janrlarga ajratish borasida adabiyotshunos olimlarning turlicha qarashlari, tasniflari mavjud. Ular orasida ifoda tarzi yoki shakliy va hajmiy jihatlar nuqtayi nazaridan ham tasniflarni uchratish mumkin. Ushbu holatlarning umumlashmasi o‘laroq Aristotel sharhi bo‘yicha (eramizdan avvalgi 384-322 yillar) badiiy adabiyotni uch turga – epik, lirik va dramatik turlarga ajratish odat tusiga kirgan [1:352]. “Shu bilan birga, o‘tgan asr adabiyotshunosligida adabiy asarlarni turlarga ajratish zarurati yo‘q, degan qarash ham ilgari surilgan. Biroq bu fikrga mutlaqo qo‘shilib bo‘lmaydi. Nega deganda, bunday qarashning yuzaga kelishi adabiyot ilmidagi yangicha – adabiy asarni ham adabiy-madaniy, ham ijtimoiy-tarixiy zamindan uzib o‘rganuvchi, adabiyotshunoslikning predmeti ko‘lamini g‘oyat tor oluvchi yo‘nalishlar bilan bog‘liq. Zero, bitta asar obyekt qilib olinar ekan, turlarga ajratish chindan-da keraksiz. Biroq obyekt qilib ming yilliklar qo‘ridan kelayotgan, bashariyat hayotidagi ijtimoiy, siyosiy, madaniy, ruhoni, ma’rifiy jarayonlar bilan bevosita bog‘liq va ming-minglab turli-tuman asarlar shaklida yashayotgan hodisa olinsa, turlarga ajratish zarurat. Haqiqiy adabiyotshunoslikning

obyekti esa ayni shu hodisadir” [4:352].

Shuningdek, adabiy jarayonda shunday asarlar ham maydonga kelganki, ularda adabiy turlarning o‘zaro uyg‘unlashuvini ham ko‘rish mumkin. Xususan, o‘zbek adabiyotida o‘ziga xos o‘rni va uslubi bilan ko‘pchilikning e’tirofiga erishgan Omon Muxtor romanlarida ham shakliy, ham mazmuniy jihatdan adabiy turlarning badiiy integratsiyasi namoyon bo‘lgan.

Xususan, o‘tgan asrning 90-yillarida yozilgan “Ko‘zgu oldidagi odam” romani o‘zi yaratilgan davrga qadar vujudga kelgan an’anaviy realizm yo‘lidagi romanlardan kompozitsiyasi, tili va ifoda tarzi bilan ajralib turadi. Asarda lirik va epik tasvir uyg‘unligini uning epigrafidanoq sezish mumkin:

“Ming sir bor tuproqda...” (Oybek), “Mendan nima istaysan, ko‘zgu, Senga nima kerak!” (Eski bir qo‘shiqdan) [2:164].

Mazkur asarda 2 ta epigraf keltirilgan bo‘lib, ularning birinchisi Oybekning quyidagi to‘rtligidan olingan:

Tarix va falsafa chuqur, murakkab,
Hayot mash’alidir haqiqat, chin gap,